



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРДАН ЖАБРАНГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор
Шухратбеков Хасанбой Шухратбек ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 213-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/зенодо.14901868>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 20th February 2025

KEYWORDS

ҳуқуқбузарликлардан
жабрланган шахслар,
реабилитация, виктимологик
профилактика, ижтимоий
мослаштириш, ижтимоий
реабилитация қилиш.

ABSTRACT

Ҳуқуқбузарликлар жамиятда ҳуқуқий тартиботга таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бундай ҳолатларда жабрланган шахсларнинг жамиятга қайтишини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада профилактика инспекторининг жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш борасидаги фаолияти, уни такомиллаштириш йўллари ва замонавий ёндашувлар таҳлил қилинади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дастлабки навбатда хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, халқ осойишталигини таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланиб келмоқда. Республикамизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб фуқароларни жиноятчилик, унинг энг қабиҳ ва хавфли тури бўлган уюшган шакллари, диний экстремизм, терроризм, одам савдоси каби офатлар тажовузидан ҳимоя қилиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан, ички ишлар органларининг энг долзарб

ва мураккаб вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг бир бўлаги бўлган инсон ўзининг умри давомида тўлақонли турмуш кечириши учун табиат ва жамият томонидан берилган маънавий-руҳий, биофизиологик, моддий озуклар билан озиқланади. Бу инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида, фаровон ҳаёт кечиришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бироқ, инсон мавжуд оламдаги яшаш даврида турли тўсиқ ва қийинчиликларга учрашга, бошқача қилиб айтганда, табиатан жабрланишга мойил ҳисобланади. Мазкур жабрланишдан ҳеч бир инсон холи ёки кафолатланган эмас. Айнан шунинг учун ҳам табиат ва жамиятнинг воқеа, ҳодиса ва жараёнларидан жабрланиш, уларнинг сабаб ва шартшароитлари ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва белгилаш бутун дунё аҳлининг кўп йиллардан бери диққат марказидан ўрин олган масалаларидан бирига айланиб улгурган.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш фаолияти тушунчасига тўхталишдан олдин

хуқуқбузарликлардан жабрланувчи тушунчасини ёритадиган бўлсак. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”¹ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун

7 та боб ва 51 моддадан иборат, қонуннинг 3-моддаси “Асосий тушунчалар” деб номланиб унда хуқуқбузарлик, хуқуқбузарликдан жабрланувчи тушунчаларига таъриф берилган.

Унга кўра хуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли, ғайрихуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Хуқуқбузарликдан жабрланувчи – жисмоний, маънавий ёки мулкый зарар етказилганлиги оқибатида хуқуқбузарликдан жабрланган шахс. ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — хуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларга хуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чоратадбирлар мажмуидир.

Бинобарин, «жабрланувчи» тушунчасига берилган таъриф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 54-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Унга асосан, «етарлича далилларга асосланган ҳамда жиноят оқибатида моддий, маънавий, жисмоний зарар етказилган шахс» тушунилади.

Мустақил изланувчи Б.А. Мустафакулов таъкидлаганидек, “профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари билан манзилли профилактик тадбирлар ўз вақтида олиб бормаса, ушбу йўналишдаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса оиладаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларнинг содир этилиши кўпайиши мумкин. Мисол учун, баъзи ҳудудларда оилавий низолар барвақт эмас, балки унинг салбий оқибати келиб чиққанидан кейингина маҳаллада муҳокама қилинади. Бунинг натижасида, оила-турмуш доирасида оғир ва ўта оғир жиноятлар, шу жумладан, қотиллик жинояти содир этилиши давом этмоқда, қасддан баданга тан жароҳати етказиш, безорилик жиноятларининг аксарият ҳудудларда ошиб кетишига йўл қўйилмоқда”²

Реабилитация ва мослаштириш тушунчасини биз ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш таълимоти орқали ўрганамиз. Реабилитация лотин тилидан “rehabilitation” тиклаш; хуқуқбузар ва жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида таълимот ҳисобланади. ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш алоҳида, мустақил йўналишда бўлган, яъни хуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганувчи таълимот сифатида ўрганилади. Чунки бу таълимот асосан хуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазонт ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганувчи ва уларга психологик, биологик, педагогик, ижтимоий хусусиятлари, муносабатлари, жиноят содир этилишидан олдин ва ундан кейинги жараёнда тутган ўрнини ўрганиб чиқади ва илмий жихатдан асосланган хулосаларни ишлаб чиқиб, жиноятларни профилактика қилиш фаолиятида кенг кўламда қўлланилиши учун тадбиқ этилади. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш нафақат хуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сонли Қонуни \ URL: <https://lex.uz/docs/2387357>

² Бобур Асрор ўғли Мустафакулов. Профилактика инспекторининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари <https://academics.uz/index.php/zfty/article/view/4051>

ўрганади, балки, бахтсиз ходиса, табиий офат, уруш, геноцид ва бошқа ҳолатлар оқибатида юзага келган жабрланишларни ўз ичига олади.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллаш: Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан қўлланилади. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, психологик, тиббий ҳамда ижтимоий меҳнат бўйича реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олади. Юқоридаги ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 25 августда қабул қилинган 191-буйруғига илова тарзида киритилган

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикасига «ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятдир», деб таъриф берилган. Демак, виқтимологик профилактика ҳуқуқбузарликдан жабрланиш хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар комплексида иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлардан бири прокуратура органларидир. Прокуратура органлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўлланми ислохотлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислох қилинди.³

Маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг⁴ [127-моддасига](#) мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида 2023 йил 21 декабрь куни “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-209-сон Фармони⁵ қабул қилинди.

³ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилдир. – Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв <https://old.uzavtoyul.uz/cy/post/>

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023

<https://www.lex.uz/docs/6445145#6446075>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2023 йилдаги ПФ-209-сон Фармони

<https://www.lex.uz/docs/6705763>

Ушбу Фармон билан маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги» ташкил қилинди.

«маҳалла еттилиги» томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда кўмаклашиш; маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакилларининг савий-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш;

маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал оилаларга ажратилаётган бюджет маблағлари ва бошқа маблағларнинг мақсадли

ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш;

маҳаллаларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларга ажратиладиган маблағларни марказлашган тарзда тақсимлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

маҳалла масъулларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмалари шаклланишига кўмаклашиш белгиланди.

Шу билан бирга сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалланинг аҳоли ва давлат органлари ўртасида ишончли «кўприк» бўлишини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ҳар бир маҳаллада муаммоларни жойида аниқлаб, комплекс ёндашув асосида ҳал этиш механизмларини жорий этиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон [Фармони](#)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 30.11.2024- йилдаги 801-сон қарори⁶ қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинди.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) — ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида ахборот алмашиш имконини берадиган электрон тизим;

ижтимоий профилактика тадбирлари — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар — меҳнат органи ходими, тиббиёт ходими, мактаб директори ва мактаб психологи, инспектор-психолог, шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг мурожаатига асосан жалб этиладиган туман (шаҳар) даражасидаги тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 30.11.2024 йилдаги 801-сон

<https://www.lex.uz/docs/7243832>

ижтимоий профилактика объектлари — ўзига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг ижтимоий муаммолари;

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар;

ижтимоий мослаштириш дастури — ижтимоий профилактика объектларига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий профилактика жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар.

3. Ижтимоий профилактика тадбирлари қуйидаги шахсларга нисбатан амалга оширилади:

а) ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар:

банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;

ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар;

қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар;

ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;

давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшлар;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;

ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;

мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;

тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар;

б) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар:

парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;

ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар” кўрсатилди.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга нисбатан соғлиғини тиклашда тиббий, руҳиятини кўтаришда психологик ёрдам кўрсатиш орқали қайта тиклаш, маънавий ёки мулкӣ зарарни ундириб бериш, руҳий тушқунликдан қутулишга ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади. Ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан эса, уларни ўқишга ёки ишга жойлаштириш, доимий ёки вақтинчалик уй-жой билан таъминлаш, моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ўз ифодасини топади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки профилактика инспектори жамиятда ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация қилишда муҳим ўрин тутди. Ушбу жараёни такомиллаштириш учун ҳуқуқий база, молиявий ресурслар, касбий тайёргарлик ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилади. Шунингдек, жабрланган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш учун иш ўринлари яратиш ва уларнинг ижтимоий интеграциясига кўмаклашиш лозим. Ушбу чора-тадбирлар профилактика инспекторининг самарадорлигини оширишга ва жабрланган шахсларнинг тўлиқ реабилитациясига хизмат қилади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
<https://www.lex.uz/docs/6445145#6446075>

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. <https://www.lex.uz/acts/2387357>
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2023 йилдаги ПФ-209-сон Фармони <https://www.lex.uz/docs/6705763>.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 30.11.2024 йилдаги 801-сон <https://www.lex.uz/docs/7243832>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й
10. Бобур Асрор ўғли Мустофақулов. Профилактика инспекторининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари <https://academics.uz/index.php/zfty/article/view/4051>.
11. H.Q. Babahanov. Xotin-qizlar tomonidan sodir etiladigan zhinoyatlar profilaktikasini takomillashtirish //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – V. 4. – Yo‘q. 4. – B. 33-41.

INNOVATIVE
ACADEMY